



## БУЮК ҲАНАФИЙ МУҲАДДИСИ ВА УНИ ҲАДИС ИЛМИДА ТУТГАН ЎРНИ

**Абдурахимов Юсуф Анасович**

*Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти  
“Ҳадис ва ислом тарихи фанлари” кафедра ўқитувчиси  
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар*

[yusufanas0407@gmail.com](mailto:yusufanas0407@gmail.com)

[+998913524773](tel:+998913524773)

Имом Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салома ибн Салама ал-Аздий ал-Ҳажрий ат-Таҳовий раҳимахуллоҳ 229-321 йилда Мисрнинг юқори қисмидаги Таҳийя деб номланган мавзеъда туғилган. Аммо «Китоб ал-ансоб» муаллифи ас-Самъоний (1113-1167) раҳимахуллоҳ фикрича Мисрнинг пастки тарафидаги Таҳо қишлоғида туғилган. Машҳур Азд қабиласининг Ҳажр уруғидан бўлганлиги боис одатда насабига улар ҳам кўшилади. Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимахуллоҳнинг туғилган йилларини баъзилар 238/853 йил деб хато кўрсатган бўлса-да, лекин аксар манбаларда уни 229 йил рабиъ ал-аввал оий (843 йил ноябрь)да туғилганлари алоҳида қайд қилинган.<sup>70</sup>

У тенгдошлари ичида ёдлаш қобилиятининг кучлилиги ва фаҳмининг тезлиги, Қуръони каримни пухта ёдлаши ила ажралиб турган. Таҳовийга Қуръони каримдан бошланғич илм берган ва ёзишни ўргатган имом Закариё Яҳё ибн Муҳаммад ибн Амрдир. Сўнгра у фикҳ ва усулда пешқадам бўлган отасининг илм ҳалқасида иштирок этиб, фикҳдан дарс олади. Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимахуллоҳ ёшликларида бошланғич таълимни тоғалари, яъни оналарининг укаси шофеъийлик мазҳабининг машҳур фақиҳи Исмоил ибн Яҳё ал-Музаний (791-877) раҳимахуллоҳ олдиларда ўзлаштирадилар.

Аллома ҳақида Абу Сулаймон Дамашқий: Таҳовий менга “Мен биринчи бўлиб тоғам Музанийдан ҳадис тингладим ва ёзиб бордим. Имом Шофеъийнинг сўзини олиб унинг мазҳабида юрдим. Бир неча йиллардан сўнг Миср қозиси Аҳмад ибн Абу Имроннинг олдига бордим. Ундан ҳанафий фикҳини ўргандим ва сўзини олдим”, деди, деган. У зот ёшлигидан ҳанафий фақиҳларининг асарларини – Имоми Аъзам Абу Ҳанифа (699-767) раҳимахуллоҳ ва унинг асҳобларининг китобларини кўп ўқир эдилар. Жиянининг ишидан жаҳли чиққан Имом ал-Музаний раҳимахуллоҳ: «Сендан ҳеч нарса чиқмайди!» деб қасам ичиб юборадилар. Аслида, Имом ал-Музаний раҳимахуллоҳнинг ўзлари ҳам ҳанафийларнинг асарларини кўп ўқир эканлар.<sup>71</sup>

<sup>70</sup>. Хатиб Бағдодий. Ал-Жомеъ ли ахлақ ар-ровий ва адаб ас-сомеъ. – Ар- Риёд. Мактаба маъориф, 1983. 1-2 жузлар.

<sup>71</sup>Ибн Абу Шайба. Мусаннаф. – Байрут. Дор ал-фикр. 1998.



Аллоганинг тоғасининг мазҳаби (шофеъий)дан ҳанафий мазҳабига ўтиши куйидагича бўлган. Айтишларича, Таҳовий тоғасидан дарс олиб юрган кезларда, бир куни унга тоғаси: “Сендан бир нарса чиқмайди!” – дебди. Шунда жиянининг аччиғи чиқиб, тоғасини тарк этиб Абу Жаъфар ибн Абу Имрон Ҳанафийдан (ваф.331) дарс ола бошлаган экан.

Муҳаммад ибн Аҳмад аш-Шурутий (Х-аср) раҳимахуллоҳ Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимахуллоҳдан «Нимага мазҳабингизни ўзгартирдингиз?» деб сўраганларида, у: «Тоғам доим Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ ва унинг асҳобларининг китобларига қарайвергани сабабли», деган эдилар.

Доктор Абдурраҳмон Умайра “Шарҳ ал-ақида ат-Таҳовия”га ёзган таълиқи муқаддимасида куйидагиларни ёзган: “Бизнинг фикримизча у кишининг Абу Ҳанифа раҳматуллоҳнинг мазҳабига ўтишининг асосий сабаби, ўша вақтдаги одамлар зеҳнида бу мазҳаб ҳақида жуда яхши тасаввур бор эди. Чунки, бу мазҳаб кенг фикрли бўлиши билан бирга ҳужжати ҳам кучли эди. Янги пайдо бўлган масалаларда тез ва қониқарли жавоб бериларди. Шу каби омиллар Таҳовийга таъсир қилган”.

Абу Яъло Ҳанбалий ўзининг “ал-Иршод” китобида шундай деб ёзган: Аҳмад ибн Муҳаммад Шурутий, “Мен Таҳовийга нима учун тоғанга хилоф қилиб, Абу Ҳанифанинг мазҳабини ихтиёр қилдинг? – десам. У: “Мен тоғамни Абу Ҳанифанинг китобларига доимо назар солиб турганини кўриб, унинг мазҳабига ўтдим”, деди – деган экан.

Ҳанафийлик мазҳабига кўнгил қўйганлигига яна бир сабаб Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимахуллоҳнинг онаси унга ҳомиладорликнинг сўнгги ойларида вафот қилганлар. Қорнида бола қимирлаётганини сезган ҳанафий олимлар қорини кесиб, болани чиқариб олишга фатво берадилар. Имом ал-Музаний раҳимахуллоҳ бошлиқ шофеъий олимлари бундай қилмасликни ёқлаб чиқадилар. Ҳанафийлар қозиси, фақиҳлари билан бирга қаттиқ туриб олганликлари сабабли Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимахуллоҳ тирик қолган эди.

Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимахуллоҳ шу зайлда ҳанафийлик мазҳабига ўтади ва ҳанафий фақиҳларидан мужтаҳиди мунтасиб даражасигача етади. Бу Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳдан кейинги унинг Абу Юсуф (731-798) раҳимахуллоҳ, Муҳаммад аш-Шайбоний (749-805) раҳимахуллоҳ каби асҳобларининг табақаси эди. Баъзи тадқиқотчилар уни учинчи табақа фақиҳлари қаторига қўядилар.

Кейинчалик Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимахуллоҳ юртининг энг таниқли фақиҳи, мушкул саволларга қийналмай жавоб берувчи иқтидор соҳиби, мунозараларда ҳанафийликнинг энг кучли ҳимоячиси бўлиб етишди. У зот ўзларининг фикҳий матн китоби «Мухтасар»ни ёзган вақтида: «Агар тоғам буларни кўрганида, қасамининг бузилгани учун каффорат тўлаган бўларди!» деб фахрланган эдилар.



Устозлари: Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимахуллоҳ фиқҳни асосан Абу Жаъфар Аҳмад ибн Имрон (вафоти 280/893) раҳимахуллоҳдан оладилар. Сўнг Шомга сафар қилиб, қози ал-қузот Абу Ҳозим Абдулҳамид ибн Абдулазиз (вафоти 292/905) раҳимахуллоҳ олдида ҳам таҳсил оладилар. Бу қозикалон ҳанафий олими Муҳаммад аш-Шайбоний (749-805) раҳимахуллоҳнинг шогирдларидан Исо ибн Аббон (вафоти 221/835) раҳимахуллоҳнинг шогирди эди. Яна Ҳорун ибн Саид ал-Ирбилий (IX аср иккинчи ярми) раҳимахуллоҳдан ҳам сабоқ олганлар<sup>72</sup>.

Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимахуллоҳ, айниқса, ҳадисшунослик соҳасида маҳорат касб қиладилар. Мисрда жуда кўп муҳаддислардан ҳадислар тинглаб, имло қилади ва ҳифз қилиб оладилар. Аллома Жалолiddин ас-Суютий (1445-1505) раҳимахуллоҳ «Ҳусн ал-муҳозара» асарларида Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимахуллоҳни ҳадис ҳофизларидан бири, ҳадис ривоятида ишончли ва маҳкам зот, фақиҳ, ундан сўнг унга ўхшаши чиқмаган, Мисрдаги ҳанафийларнинг бошлиғи сингари мақтовлар билан зикр қилганлар. Унинг ҳадис соҳасидаги устозларидан Али ибн Маъбад ибн Нуҳ ал-Бағдодий (вафоти 259/873) раҳимахуллоҳ, Ҳорун ибн Саид ал-Ийлий (787-867) раҳимахуллоҳ, Юнус ибн Абдулаъло Абу Мусо ас-Садафий (787-877) раҳимахуллоҳ, ар-Рабиъ ибн Сулаймон ал-Муаззин ал-Жийзий (797-869) раҳимахуллоҳ, Абу Бакра Баккор ибн Қутайба ал-Бакровий (798-884) раҳимахуллоҳ, Муҳаммад ибн ал-Ҳажжож Абдуллоҳ ибн Сулаймон ал-Ҳазрабий (817-910) раҳимахуллоҳ, Баҳр ибн Наср ал-Хавлоний (798-880) раҳимахуллоҳ, Муҳаммад ибн Хузайма (838-924) раҳимахуллоҳ каби ишончли ҳадис ровийларини кўрсатиш мумкин.<sup>73</sup>

Шунингдек, устозлари қаторида Абдулғани ибн Рифоа, Ҳорун ибн Саъид, Юнус ибн Абдулаъла, Баҳр ибн Наср Хавлоний, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ, Исо ибн Масруд, Иброҳим ибн Мунқиз, Робеъ ибн Сулаймон, Абу Иброҳим Музаний, Баккор ибн Қутайба, Миқдод ибн Довуд ва бошқалардан ҳам ҳадис тинглаган.

Шогирдлари: Таҳовий ўзи яшаган вақтда масалаларни таҳқиқ қилиш, далилларни аниқлашда ва бошқа илмларда машҳур бўлгани сабабли толиби илмлар ундан дарс олишга иштиёқманд бўлган. Алломадан Миср қозиси Аҳмад ибн Иброҳим ибн Ҳаммод (ваф.329), Қози Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мансур Ансорий, Абдурроҳман ибн Аҳмад ибн Юнус Муаррих (ваф.347), Сулаймон ибн Аҳмад ибн Айюб Табороний (ваф.360), Абдуллоҳ ибн Адий ибн Абдуллоҳ Журжоний (ваф.365) ва бошқалар таълим олган.

Шунингдек, аллома Абу Бакр ал-Бурдаъий (вафоти 350/961) раҳимахуллоҳ, «Мўъжам»лар соҳиби муҳаддис Абулқосим Сулаймон ат-Табароний (873-973) раҳимахуллоҳ, «Маоний ал-асор»ни устозидан эшитиб, нақл қилган Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Муқиррий (898-991) раҳимахуллоҳ, «Ақидат ат-

<sup>72</sup> Маҳмуд Таҳхон. Тайсир мусталаҳ ал-ҳадис. – Т.: Мовароуннаҳр, 1992

<sup>73</sup> Абдуллоҳ ибн Абдурахмон. Тайсир ал-аллом шарҳ умдат ал-аҳком. – Байрут. Дор ал-фикр



Таҳовий»ни биринчи ривоят қилган Маймун ибн Ҳамза (Х-аср) раҳимахуллох, Юсуф ибн Қосим ал-Миёнжи (901-985) раҳимахуллох, тўққиз нафар Ғандар лақабли ҳадис ровийларидан иккинчиси Муҳаммад ибн Жаъфар Ғандар ал-Варроқ (вафоти 370/980) раҳимахуллох сингари олимларга сабоқ берган. Шунингдек, яна у зотдан Юсуф ибн Қосим, Абулқосим Табароний, Муҳаммад ибн Бакр, Аҳмад ибн Абдулворис Зажжож, Абдулазиз ибн Муҳаммад Жавҳарий ва бошқалар ҳадис ривоят қилишган.

Ибн Абдулбарр (978-1071) раҳимахуллох айтган: «Абу Жаъфар ат-Таҳовий кўфалик (Абу Ҳанифа раҳимахуллох)нинг мазҳабида бўлиб, барча уламоларнинг мазҳабларига олим эди», деганлар.

Вафотлари. Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимахуллох Мисрда 321 йил 5 зулқайда (933 йил 27 октябрь)да вафот қилганлар. Қарофа қишлоғида (Миср) дафн қилинади.<sup>74</sup>

Имом Абу Жаъфар Таҳовийнинг асарлари: Имом Абу Жаъфар Таҳовийнинг асарларидан айримлари куйидагилар:

1.«Шарҳи маонил-асор» («Ҳадис ва хабарлар маъноларини шарҳлаш»). «Китобу маоний ал-асор» ҳам деб аталган ушбу китоб муаллифнинг илк ёзган асари бўлиб, ғоятда машҳурдир. Унда мазҳаблар орасидаги фикрларни ҳадис ва саҳобалар ривоятлари орқали ҳамда муаллифнинг қиёсий фикрлари билан келтирилган ва ҳанафийлик мазҳабига мувофиқ қарашларини илгари сурган. Араб ва ҳинд диёрларида бир неча марта нашр этилган. Одатда, ҳанафийлик мазҳабининг ҳадисшунослигига киришмоқчи бўлган одам ушбу асарни ўқишдан бошлайди. «Асор» бу «асарлар» сўзининг кўплиги бўлиб, ҳадисшуносликда тор маънода олинса, саҳобаларнинг гаплари, фатволари тушунилади. Кенг маънода эса Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳадислари, умуман барча ҳадис дейилган нарсалар тушунилаверади. Имом ат-Таҳовий раҳимахуллох ушбу сўзни доимо кенг маънода қўллаганлар.

2.«Аҳком ал-Қуръон» («Қуръон ҳукмлари»). Асли 20 жуздан ортиқ бўлган «Маоъний ал-Осорнинг шарҳи» бўлмиш мазкур асарида муаллиф Қуръони каримнинг ҳукмий оятларини фикҳий шарҳлаган. Кўплаб уламолар бу китоб ҳадис илмида ёзилган энг яхши китоблардан бири эканини эътироф қилганлар. Таҳовий бу китобда ажойиб услубни қўллаган. Ҳадисларни таҳқиқ қилишда мазҳабларнинг далилларини ҳам келтириб ўтади ва ўз баҳси давомида ихтилофли масалани келтириб, муноқаша қилади ҳамда ўз тадқиқотининг хулосасини келтиради. Сўнгра ўзи тўғри деб билган хулосани айтади.

3.«ал-Мухтасар» («Қисқартма»). Мазкур асар фикҳий матн китоби бўлиб, бир неча олимлар томонидан шарҳланган. Ҳанафийлик мазҳабининг асосий фикҳий манбаларидан бири ҳисобланади.

<sup>74</sup> Абдуллох ибн Абдурахмон. Тайсир ал-аллом шарҳ умдат ал-аҳком. – Байрут. Дор ал-фикр



4.«Китоб аш-Шурут» («Шартномалар китоби»). Муаллиф мазкур асарини катта, кичик ва ўртача қилиб уч хил вариантда тузган. Катта «Шурут» анча яхши ўрганган бўлса ҳам, бироқ учаласи ҳам ҳали тўла нашр этилмаган.

5.«Китобу маноқибии Абу Ҳанифа» («Абу Ҳанифанинг маноқибии»). Ҳанафийлик мазҳаби асосчиси Имоми Аъзам Абу Ҳанифа (699-767) раҳимахуллоҳнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган асар. Асарда ҳанафий олимларнинг илм-фанга, ислом маданиятига кўрсатган хизматлари алоҳида таъкидланган.

6.«ан-Наводир ал-фикҳийа» («Нодир фикҳий масалалар»). Ҳанафийлик мазҳабига оид фикҳий ривоятларнинг «Наводир» даражасига оид фикҳий қарашлар ўз ифодасини топган. Мазҳаб асосчилари томонидан «зоҳири ривоят» номли асарларга киритилмаган масалалар тўпламларига «Наводир» номи берилган.

7.«Ихтилоф ал-уламо» («Олимлар ихтилофлари»). Мазкур асар қиёсий мазҳабшуносликка оид илк асарлардан бири бўлиб, ҳанафийлик, шофеъийлик, моликийлик ва ҳанбалийлик фикҳий қарашларининг фарқлари кўрсатиб берилади.

8.«Таърихи кабийр» («Катта таърих»). Мазкур асар ҳадисшуносликка оид бўлиб, ҳадис ровийлари ҳақида сўз юритилади.

9.«ар-Радду ʼала Аби Убайда» («Абу Убайдага раддия»). Абу Убайда Муаммар ибн ал-Мусанно (728-823) хорижийларнинг олимларидан бўлиб, «ал-Масолиб» («Нуқсон ва бўҳтонлар») номли асарида араб қабилаларининг келиб чиқиши ҳақида сўз юритган. Унинг баъзи фикрларига Абу Жаъфар ат-Таҳовий раҳимахуллоҳ раддия ёзганлар.

10.«Ақидат ат-Таҳовия» («ат-Таҳовийнинг ақидаси»). Ақидат матнига оид кичик ҳажмли рисола. Улуғ муҳаддис олим Таҳовий раҳматуллоҳи алайҳ бу асарини ақоид илмига фалсафий қарашлар аралашиб турли чигалликлар пайдо бўлган даврда ёзган. Муаллиф бу асарни ёзишда оммага фалсафий қарашлар аралашмаган Аҳли сунна вал-жамоанинг соф ақидасини баён қилиб беришни мақсад қилган. Муаллиф ушбу матни «Ақидат» деб номлаган. Кейинчалик «Таҳовий» нисбати қўшилган ва «Ақидатут Таҳовий» номи билан машҳур бўлган. Имом Таҳовий ҳам, имом Мотуридий ҳам бир даврда яшаб ўтишган. Ҳатто туғилган саналари ҳам таҳқиқларга кўра бир ё икки йил фарқ бўлмаса, деярли бир йилда (Таҳовий 239, Мотуридий 240 ҳижрий йиллар атрофида) туғилган. Аммо бир-бирларидан жуда узоқда Имом Таҳовий Мисрда, Имом Мотуридий Мовароуннаҳрда ҳанафий мазҳабининг тараққий этишига хизмат қилган.

«Ақидатут Таҳовия»га уламолар шарҳ ва таълиқлар ёзган. Балки асар «Ақидатут Таҳовий» асари бошқа матнлардан унга энг кўп шарҳ ёзилгани билан ажралиб туради. Жумладан, Али ибн Муҳаммад Азроъий Дамашқийнинг (ваф. 792/1390) шарҳи, Маҳмуд ибн Аҳмад Ҳанафийнинг (ваф.770/1369) шарҳи, Абу Абдуллоҳ Маҳмуд ибн Муҳаммад Фақиҳий Ҳанафийнинг шарҳи, Қози



Сирожиддин Умар ибн Исҳоқ Ҳиндий Ҳанафийнинг (ваф.733/1333) шарҳи, Холид ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Муслиҳнинг шарҳи, Муҳаммад ибн Алоуддин Али ибн Муҳаммад ибн Абул Из Ҳанафий Дамашқий “Шарҳу ақидатит Таҳовий” номли шарҳи, Шайх Маҳмуд Тарозий Фарғоний Маданий ўзининг “Ан-Назмул Ҳовий ли ақидатут Таҳовий” номли асарида назм шаклида шарҳлаган. Бу китоб бир неча марта чоп этилган.

11.«Мушқил ал-асор» («Асарларнинг қийини»). Мазкур асари муаллифнинг «Маоний ал-асор»ининг қайта ишланган, кенгайтирилган варианты ҳисобланади. Ушбу асар “Мухтасари ат-Таҳовия” номи билан машҳур фикҳ бўйича мухтасар китоб бўлиб, бир қанча шарҳлар ёзилган. “Шарҳи жомийъус-сағир”, “Шарҳи жомийъул-кабир”, “Шурутул-кабир”, “Шурутус-сағир”, “Ал-Васаё ва-л-фароиз”, “Маноқибу Аби Ҳанифа” – Абу Ҳанифа ҳақида ёзилган, “Ан-Наводирул-фикҳия” ва бошқа асарлардан иборат. Бу китоб ат-Таҳовийнинг ҳадис бўйича ёзилган сўнгги асаридир<sup>75</sup>.

## Фойдаланилган манба адабиётлар рўйхати

### Ўзбек тилида

1. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Саҳиҳи Бухорий: ал-жомийъ ас-саҳиҳ: (ишонарли тўплам): 2 китоб. /Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Абдулазиз Мансур таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. 1-т. – Б. 712. 2-т. – Б. 624.
2. Муродов Д. Ҳадисшунослик атама ва иборалари (қисқача изоҳли луғат). – Т.: Фан, 2009. – 96 б.
3. Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс Насафий. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси, 2010. – 39 б.
4. Ҳамроқулов Ж. Мусталаҳ ал-ҳадис. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004.
5. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Саҳиҳи Бухорий: Ал-Адаб ал-муфрад /таржимонлар Ш.Бобохонов, Н.Атабоев.
6. Имом ат-Термизий. Сунани Термизий. – Т.: Қомус, 1998. Т.1. ....б.
7. Уватов У. Иймон нури. – Т.: Ёзувчи, 1996.
8. Уватов У. Буюк муҳаддислар: Имом ал-Бухорий, Имом Муслим Имом ат-Термизий. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 1998. – 63 б.
9. Уватов У. Донолардан сабоқлар: – Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1994. – 94 б.

<sup>75</sup> . Ар-Ромаҳурмузий. Ал-Мухаддис ал-фосил байн ар-ровий ва ал-воий. – Байрут: Дор ал-фикр. 1984. 26. Жалолиддин ас-Суютий. Тадриб ар-ровий фи шарҳ тақриб ан-Нававий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1989. 1-2 жузлар



10. Уватов У. Муслим ибн ал-Ҳажжож: – Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1995. – 62 б.
11. Уватов У. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Т.: 2001. 12. Уватов У. Икки буюк донишманд. – Т.: Шарқ, 2005. – 60 б.

#### АРАБ ТИЛИДА:

12. Хатиб Бағдодий. Ал-Жомеъ ли ахлақ ар-ровий ва адаб ас-сомеъ. – Ар-Риёд. Мактаба маъриф, 1983. 1-2 жузлар.
13. Хатиб Бағдодий. Ал-Кифая фи илм ар-ривая. – Байрут: 1986.
14. Муҳаммад Жамолиддин Қосимий. Қавоид ат-тахдис. – Байрут. Дор ал-кутуб ал-илмия, нашр йили йўқ.
15. Муҳаммад Ижож ал-Хатиб. Ас-Сунна қабла ат-тадвин. Дор ал-фикр, 1993.
16. Муҳаммад Муҳаммад Абу Заҳв. Ал-Ҳадис ва ал-муҳаддисун. – : Дор ал-кутуб ал-илмия, 1984. Ҳадис тўпламлари
17. Абу Довуд ат-Таёлисий. Муснад Аби Довуд ат-таёлисий. – Байрут: Дор ал-маърифа. 1402ҳ.
18. Абу Довуд. Сунан Аби Довуд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1996.
19. Абу Исо ат-Термизий. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ ва ҳува сунан ат-Термизий. – Байрут: Дор ихё ат-тирос ал-арабий. 1995.